

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУРТОЗАЕВА МАҲФУЗА МУРТОЗАЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ  
ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Муртозаева Махфуза Муртозаевна**

Олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларнинг экологик  
компетентлигини ривожлантириш механизмларини  
такомиллаштириш..... 3

**Муртозаева Махфуза Муртозаевна**

Совершенствование механизмов развития экологической  
компетентности будущих преподавателей в высших образовательных  
учреждениях ..... 29

**Murtozaeva Makhfuza Murtozaevna**

Improvement of mechanisms for development of environmental  
competence of future teachers in higher educational institutions..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 62

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУРТОЗАЕВА МАҲФУЗА МУРТОЗАЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ  
ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Ped168 сонли рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Джураев Рисбой Хайдарович**  
педагогика фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ярматов Раҳимбой Баҳрамович**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Турабоев Акмал Нормуминович**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ – рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ – рақамли реестр баённомаси)

**З.Н.Мамаражабова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**С.С.Булатов**  
Илмий даражасини берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда содир бўлаётган экологик инқирозлар, ижтимоий-табiiй муаммолар табиатни, атроф-муҳитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, ёшлар тарбиясида экологик маданиятини ошириш, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда компетентлик ёндашув асосида экологик таълим тизимини такомиллаштириш механизмлари амалиётга татбиқ этилган. Америка Қўшма Штатлари, Россия, Буюк Британия, Япония, Италияда атроф-муҳитга инсоннинг антропоген таъсирини камайтириш, мутахассислар экологик компетентлигини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазасида инсоннинг ўрни, мутахассисларнинг экологик тайёргарлиги ва тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқотлар муассасаларида талаба-ёшларда таълим имкониятларидан самарали фойдаланиб, экология, атроф-муҳит муҳофазасига оид тушунчаларни кенгайтириш, табиат ва инсон муносабатларининг уйғунлигини таъминлаш, замонавий шароитда экологик таълимнинг электрон-методик воситаларини яратиш, инновациялардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёшларда экологик билим, онг ва маданиятни ривожлантиришда экология ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси, уни назорат қилиш соҳасидаги ташкилотлар ўртасида экологик таълим тизимини такомиллаштириш, мутахассисларда экологик инновацион тафаккурни, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда олий таълим сифат даражасини ошириш, бўлажак педагог кадрларнинг экологик компетентлигини такомиллаштириш, табиатга масъулиятли ёндашув, табиий бойликларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда флора ва фаунани бойитишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”<sup>1</sup> каби масалалар устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишда мавжуд педагогик таълим имкониятларидан самарали фойдаланиб, бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонлари, 2017 йил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон, 70-модда.

20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 434-сонли қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Экологиянинг долзарб масалалари, ижтимоий экологик муаммолар ечими ва ушбу бўйича педагог мутахассисларнинг ўрни масаласи дунёнинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, University of Stanford (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), University of Florence (Италия), Университет Тохоку (Япония), Москва давлат педагогика университетида, А.И.Герцен номи Россия давлат педагогика университетида, М.В.Ломоносов номи Москва давлат университетида (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Бўлажак педагогларда экологик таълимни ривожлантириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган: иқлимнинг кескин ўзгариши ва табиат ҳақидаги тушунчаларни атроф-муҳитга оид видеофильмлар асосида ташкил этишнинг кибертаълим дастури яратилган University of Stanford (АҚШ); экологик барқарорлик ва ижтимоий адолатнинг ўзаро боғлиқ муаммоларини ҳал қиладиган, мақсадли ўзгарувчан таълимнинг шарт-шароитлари аниқланган University of Oxford (Буюк Британия); ижтимоий жамиятнинг барқарор ривожланишда экологик таълим орқали талабалардаги концептуал ўзгаришларни рағбатлантириш методикаси ишлаб чиқилган University of Florence (Италия); инсон фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсири ва бакалаврлар таълимида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тушунчаларини ўқитишда Онлайн экологик таълим тармоғи дастури яратилган Университет Тохоку (Япония); табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, ижтимоийлашув ва экологик тарбияни, инсон камолотини ривожлантиришга оид тарғибот марказлари ташкил этилган Москва давлат педагогика

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.azocleantech.com/article>, <https://ru.wikipedia.org/wiki/oxford>, <https://ru.wikipedia.org>, <http://us.wow.com/search.santforduniversity>, <https://www.learnlib.org/>, <https://www.britishecologicalsociety.org/> <https://www.schumachercollege.org.>, <https://www.doi.org/10.4005/jjfs.96.26>, <https://www.msu.ru> каби порталлар орқали тегишли манбаларга таяниб амалга оширилган.

университети (Россия); ёшлар тарбиясида атроф-муҳитни асраш, қўриқлаш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ривожлантириш бўйича илмий натижалар олинган А.И.Герцен номли давлат педагогика университети (Россия); инсон экологияси муаммолари, экологиянинг биология ва табиий ресурслар билан ўзаро алоқадорлиги, инсоннинг антропологик фаолиятига боғлиқлиги бўйича семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети (Россия).

Дунёда олий таълим муассасалари бўлажак педагогларнинг экологик компетентликни ривожлантириш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: бўлажак педагоглар экологик таҳдидларнинг олдини олишда табиатни уқиш қобилиятини ривожлантириш технологиялари; таълимда экологик муаммоларни бартараф этиш сиёсати ва экологик таълим ва тарбиянинг ўқув-меъёрий таъминотини такомиллаштириш; педагогика соҳасида таҳсил олувчи талабаларнинг экологик билимларини ривожлантириш назарияси ва амалиёти; бўлажак ўқитувчиларда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-маданий моделини такомиллаштириш; таълим муассасалари талабаларида экопедагогик тафаккур ва ҳаракатларни амалга ошириш механизминини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида педагогларнинг атроф-муҳит, табиат муҳофазасини ташкил этиш, экологик таълим асосларининг педагогик жиҳатлари, глобаллашув даврида экологик хавфнинг келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўллари, ёшларда табиат, атроф-муҳит муҳофазасига масъулик туйғусини юксалтиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари Қ.Абдурахимов, И.Х.Аюбова, П.Берданова, Н.Бозорова, Р.Х.Джураев, Н.Исакулова, Ш.Камолхўжаев, А.Маликова, М.Э.Мусаева, В.Никитин, Н.Ў.Нишонова, Х.Норбўтаев, Т.Сапаров, В.Н.Сатторов, Х.Тоғаев, Э.О.Турдикулов, У.Турдикулов, Д.Тўхлиев, А.С.Тўхтаев, А.Эргашев, Ш.Юнусовалар<sup>3</sup> томонидан

---

<sup>3</sup> Абдурахимов Қ. Экологик билимлар амалиётида. // Халқ таълими ж., 2001. 2-сон. 99-103 б.; Аюбова И.Х. “Техника олий таълим муассасалари талабаларида экологик хавфсизлик маданиятини шакллантириш тизимлари”, 13.00.01–педагогика фанлари доктори (PhD) 2019 й. 22 б.; Берданова П.Ў. Қорақалпоқ оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (ўсмирлар мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. – Т.: 2005. – 130 б.; Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий педагогик асослари (олий ўқув юртлари мисолида) 13.00.01 п.ф.н. автореф. 2006 й. 22 б.; Джураев Р.Х., Турдикулов Э.О. Умумий ўрта таълим мактабларида узлуксиз экологик таълим мазмуни ва уларнинг асосий йўналишлари //ж. Узлуксиз таълим, 2005. 1-сон. – 61–85 б.; Джураев Р.Х., Regulation of ecological stability in the conditions of a civil society. // The Advanced Science j. Америка 2014. №8. P. 111-114.; Исакулова Н. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия беришнинг назарияси ва амалиёти (мактаб ва коллеж таълими йўналиши мисолида): Пед.фан.док ... дисс. автореф. – Т.: 2012. 42 б.; Камолхўжаев Ш.М. Табиатшунослик асослари. – Т.: Молия, 2002. – 332 б.; Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: 13.00.01. Пед.фан.номз ... дисс. автореф. – Т.: 2010 й. 20 б.; Мусаева М.Э. Ўқувчиларда табиат неъматларига муҳаббатни шакллантириш (6-9-синф табиий фанларни ўқитиш мисолида): Пед.фан.номз ... дисс. автореф. – Т.: 2011. 26 б.; Никитин В. Основные проблемы экологии в Узбекистане и приоритеты экологической политики. //Экологический вестник ж., 2005 г. №2.; Нишонова Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш (адабий таълим мисолида): Автореф.дисс. ... пед. фан. номз. – Т.: 2001. – 21 б.; Норбўтаев Х.Б. Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни фанлараро шакллантириш методикаси (биология ва физика фанлари мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2012. 25 б.; Сапаров Т.Т. Экологик ноқулай минтакалардаги мактаб ўқувчилари соғлигини сақлашга йўналтирилган ўқитиш технологиялари: Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2011. 29 б.; Сатторов В. Умумий ўрта таълим мактабларида V-IX синф ўқувчиларида экологик маданиятни

амалга оширилган. Талабаларда экологик саводхонликни ривожлантириш, ижтимоий жамиятдаги фаол иштироки, маънавий меросимиз дурдоналарини ўрганишнинг назарий ва амалий муаммолари М.Аллаяров, М.М.Алиқулова, С.М.Мамашокировлар томонидан тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

Таълим жараёнида талабалар экологик маданиятини ва ижтимоий-экологик компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Т.В.Анисимова, А.Горелов, О.Е.Калинина, Г.А.Папуткова, О.Е.Перфилова, Р.Сейитжанова, С.Холназаров, Н.В.Чебышевлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган<sup>5</sup>.

Хорижий давлатлар олимлари томонидан олий таълим муассасаларида бакалаврларга Онлайн таълим дастурларини ва экологик таълим тармоғини яратишнинг хусусияти, ижтимоий жамиятнинг барқарор ривожланишда экологик таълим орқали талабалардаги концептуал ўзгаришларни рағбатлантириш муаммолари E.Amu, R.Mizusava, F.A.Randriamahafaly, A.Schickларнинг<sup>6</sup> ишларида тадқиқ этилган. Иқлимнинг кескин ўзгариши ва табиат ҳақидаги тушунчаларни атроф-муҳитга оид видеофильмлар асосида тарбиялаш масалалари A.Barvin, N.L.Zayas, G.Corsi, M.Steneken, J.Stokken,

---

шакллантириш: Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 22 б.; Тоғаев Х. Табиатни инсондан эмас, балки уни инсон учун химоя қилиш керак //Жиззах ҳақиқати г., 2003 йил, июнь.; Турдиқулов Э.О. Табиатни севинг, ардоқланг. Ўқувчилар ва тўғарак қатнашувчилари учун қўлланма. – Т.: Биоэкосан, 2010й., 100 б.; Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У.О. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. – Т.: Фан, 2005. - 309 б.; Тўхлиев Д., Холмирзаев Э. Таълим ва экология келажакни белгилайди //Халқ таълими ж., 2002. 3-сон. - 59–60 б.; Тўхлиев Д., Қобилов Т. Экологик билим: ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлайди //Маърифат г., 2000 йил, апрель.; Тўхтаев А.С. Экология /Қўлланма.– Т.: Ўқитувчи, 2001. – 144 б.; Эргашев А. Умумий экология. – Т.: Ўзбекистон, 2003. - 464 б.; Юнусова Ш.М. Математика ўқитиш жараёнида экологик таълим – билимларни интеграциялаш воситаси сифатида. “Ёш авлоднинг экологик маданиятини тарбиялаш муаммолари” Республика илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФТИ, Тошкент: 2004. 50–52 б.

<sup>4</sup> Аллаяров М. Экологическое образование и духовность //ж. Экологический вестник, 2001. №5-6. - с. 29; Алиқулова М.М. Табиатшунослик дарсларида Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари. Дисс. пед.фан.ном. – Т.: 2007 й. 187 б.; Мамашокиров С.М. Дунё экологик манзараси ҳақидаги фанлар интеграциясининг гносеологик ва педагогик-дидактик масалалари. //«Фан ва таълим интеграциясининг назарий-амалий муаммолари» мавзусида илмий-назарий семинарининг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент-Самарқанд-Бухоро. 2014. 29-32 б.

<sup>5</sup> Анисимова Т.В. Становление экологической культуры личности будущего учителя в учебно-воспитательном процессе в ВУЗе. Автореферат дис. На соиск. Канд. Пед. наук. М., 2002.-22с.; Горелов А. Экология. Учебное пособие. – М.: Юрайт, 2002. – с. 304; Калинина Ольга Евгеньевна. Формирование экологической культуры будущих социальных педагогов в педвузе: Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01: Тула, 2005, 195с.; Папуткова Г.А. Компетентностно-ориентированное профессиональное экологическое образование студентов в вузе: дис. ... д-ра пед. наук/Папуткова Г.А. – Нижний Новгород, 2008. - 367с.; Перфилова О.Е. Развитие социально-экологической компетентности педагога в профессиональном образовании: дис. . канд. пед. наук / Перфилова О.Е. - М., 2007. -186с.; Сейитжанова Р.А. Экологическое образование как средство формирования экологической культуры личности студентов: Канд.педагог.наук. ... дисс. автореф. – Алматы: 2010. с. 27; Холназаров С. Педагогическая система профессионально-экологической подготовки будущих учителей химии в вузах Таджикистана Автореферат дис. На соиск. Док. Пед.наук, Курган-Тюбе 2011.; Чебышев Н.В., Филиппова А.В. Основы экологии / Учебное пособие - М.: Новая волна, 2004. – с. 335.

<sup>6</sup> Espe Amu. How does education for sustainable development encourage conceptual change in students through an environmental footprint? June 19, 2019. <https://dumas.ccsd.cnrs.fr/dumas-02159900>.; Reyko Mizusava. Feature of creating a network of environmental education. Efforts of secondary school teachers to share teaching materials and methods in the field of ecology. 2016 Volume 66, № 3, pp. 629-938.; Fridason Andrinandrasana Randriamahafaly. Insertion de l'environnement dans le programme scolaire. / soutenu le18 décembre 2014 Devant le Jury composé de.; Alexandra Schick. Ökologische Bildung in der Evangelischen Erwachsenenbildung Bayern – zwischen Programm und Realität. Hamburg 2020, 586 Seiten.



L.G.Temple, D.W.Kristinлар<sup>7</sup> томонидан амалга оширилган ишлар муайян даражада тадқиқот муаммосининг ечимига қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда А7-ХТ-1-29687 рақамли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилди (2012-2014 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак педагог кадрлар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

бўлажак педагог кадрларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш;

давр таълим талабларига мос бўлган бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантирувчи моделни такомиллаштириш;

бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика университетининг 1210 нафар талабаси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг холислик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик, мантиқийлик, педагогик кузатиш, тест, анкета сўровнома, интервью, суҳбат,

---

<sup>7</sup> Alan Barvin. Environmental Movement: Messages in youth environmental videos. royal roads university, Canada. 2009.; Zayas N.L. A Comparative analysis of online versus traditional teaching of environmental literacy using participatory action research. Diss. Ph.D. thesis, Fielding Graduate University. 2011, <https://www.learntechlib.org/p/>; Gianluca Corsi. Differences between lab completion and non-completion on student performance in an online undergraduate environmental science program. Diss. Northcentral University, United States. 2011.; Marilyn Steneken. The relationship between environmental literacy and students' participation in global online collaboration. Diss. Walden University, United States. 2011.; Janelle Stokken. The development of a community awareness campaign for a local non-profit environmental education organization: The Clark Fork Watershed Education Program. Montana Tech of The University. United States. 2009.; Laura Gail Temple. An exploration of the role of film in environmental education. Dalhousie University, Canada. 2009.; Kristin Dominique Wisneski. Reconnecting youth with community and environment: Keys to civic engagement education program success. The University of Arizona, United States. 2012.

педагогик эксперимент ва математик-статистика каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак педагогларнинг экологик компетентлиги экопедагогик таълим фанлари мазмунига анъанавий, институционал, шахслараро рефлексив ривожлантирувчи муносабатлар натижадорлигини адаптив мослаштириш ҳамда тарихий мерос, миллий анъаналарга мос таълимий муҳитни билиш компонентлари билан босқичма-босқич интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

экологик таълим-тарбия бериш модели таълимнинг инновацион шакллари таълимга инновацион ёндашув адаптив даражасидан тизимли моделлаштирилган даражага ўтишда педагогик ва алгоритмлаш жараёнларини прогрессивлигини концептуал моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, экологик йўналтирилган ахборотлар талабанинг тайёргарлик сифатига қўйилган компетенциявий талабларга устуворлик бериш ҳамда экотренинг, эвристик, ижодий муаммони ярата оладиган стратегиялар мониторинги функцияларини интегртив мувофиқлаштиришни босқичма-босқич аниқлаш асосида ривожлантирилган;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмлари психологик, ҳуқуқий, ташкилий компонентларни, психологик омиллар ва шахсга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда технологик компонентларга аниқ назарий маълумотларга устуворлик бериб, экопедагогик таълимни бошқариш, назорат этиш жараёнларини моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак педагогларнинг экологик компетентлиги экологик таълимнинг сифатини ва ноэколог кадрларни тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланишининг кафолатларини ҳамда устуворлигини таъминлайдиган ахборот базасига ижодий фикрлашга оид график ва диаграммаларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак педагоглар экологик компетентлигини экологик таълим-тарбия ва маданиятни ривожлантириш механизмларининг ўрни илмий педагогик жиҳатдан асосланган;

“экологик тарбия”, “экологик таълим”, “экологик маданият”, “экологик компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган, экологик компетентликнинг таркибий қисмлари аниқланган;

талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммолар ечимига оид амалий, назарий ва илмий педагогик механизмлар такомиллаштирилган;

маънавий кадрлар ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг экологияга оид илмий педагогик қарашларидан самарали фойдаланиш асосида бўлажак

бакалаврлар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларининг педагогик шарт-шароитлари аниқланганлиги;

педагогика олий таълим муассасасида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган;

юқори малакали бўлажак педагоглар тайёрлашда зарур бўлган экологик таълим-тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлган ижодий лойиҳалар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

таълимни модернизациялаш давридаги экопедагогик муаммолар мазмуни, ечими ва уларни бўлажак педагоглар онгига сингдиришнинг самарали педагогик усуллари бўйича илмий-методик тавсияларнинг асосланганлиги билан белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув, усуллар, шакллар, воситалар, қайд этилган таҳлиллар, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методларида асосланганлиги, хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмлари назарий ва услубий жиҳатлари такомиллаштирилган; бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантирувчи модели, бу компетентликни юқори даражасига эришишга имкон берувчи назарий хулосалар ишлаб чиқилган; назарий материаллар танланган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, экологик таълимни такомиллаштиришга ижодий концептуал ёндашувнинг имкониятлари аниқлангани; талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришга оид ўқув-услубий мажмуаларнинг олий педагогик таълим тизимига татбиқ этилгани; педагогиканинг турдош фанлари мазмунини бойитишга ва такомиллаштиришга хизмат қилади; тадқиқотда илгари сурилган илмий асосланган назарий ва амалий аҳамиятдаги таклифлардан олий педагогик таълим муассасалари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган илмий-амалий тадқиқотнинг натижалари асосида:

бўлажак педагогларнинг экологик компетентлиги экопедагогик таълим фанлари мазмунига анъанавий, институционал, шахслараро рефлексив ривожлантирувчи муносабатлар натижадорлигини адаптив мослаштириш ҳамда тарихий мерос, миллий анъаналарга мос таълимий муҳитни билиш компонентлари билан босқичма-босқич интеграциялаш асосида

такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган А7-ХТ-1-29687 рақамли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда амалда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5597-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг назарий экологик билимларини ривожлантиришда таълим мазмуни ва сифатини оширишга доир илмий асосланган таҳлилий материаллар ҳамда ғоялар дарсликларда ўз аксини топган;

экологик таълим-тарбия бериш модели таълимнинг инновацион шакллари, фуқаролик жамоат институтлари билан ҳамкорлик ҳамда халқаро тажрибаларга таяниб педагогик ва алгоритмлаш жараёнларини концептуал моделлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган А7-ХТ-1-29687 рақамли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда амалда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 2 мартдаги 01-02/1-3-56-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда экологик компетентликни ривожлантириш самарадорлиги оширилган;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, экологик йўналтирилган ахборотлар, аниқ хулосалар, экологик саводхонлик, интеллектуал билимларнинг мукамаллашиши, глобал, ҳудудий, локал экологик ахборотлар ҳамда экотренинг, эвристик, ижодий муаммони ярата оладиган стратегиялар мониторингини босқичма-босқич аниқлаш асосида ривожлантиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 434-сонли қарори асосида меъёрий-услубий ҳужжатлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5597-сон маълумотномаси). Натижада, экология соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмлари психологик, ҳуқуқий, ташкилий компонентларни, психологик омиллар ва шахсга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда технологик компонентларга устуворлик бериб экопедагогик таълимни бошқариш, назорат этиш жараёнларини моделлаштириш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган А7-ХТ-1-29687 рақамли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда амалда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими

вазирлигининг 2017 йил 2 мартдаги 01-02/1-3-56-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5597-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга ва бажарилаётган диссертация ишларининг сифатини оширилишига имкон берган;

бўлажак педагогларнинг экологик компетентлиги экологик таълимнинг сифатини ва нозолог кадрларни тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланишининг кафолатларини ҳамда устуворлигини таъминлайдиган ахборот базасига ижодий фикрлашга оид график ва диаграммаларни киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарори асосида меъёрий-услубий ҳужжатлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5597-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга шароит яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 15 та мақола, шундан, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 227 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган.

Диссертациянинг “**Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларининг назарий**

**асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасалари (ОТМ)да бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг (БПЭКР) мазмун моҳияти, шунингдек ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий асослари илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланганлиги, механизмларини такомиллаштириш масалалари баён қилинган.

Таълимни модернизациялаш даврида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш муаммоси нафақат фалсафа, тарих, социология, иқтисод ва ҳуқуқшунослик каби фанларнинг, балки педагогика фанида вужудга келган ҳамда илмий таҳлил қилиниши муҳим аҳамият касб этадиган муаммо эканлигини кўрсатди. Ушбу муаммо юзасидан олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг (ЭКР) мазмун ва моҳияти изоҳланган.

Ўзбекистонда педагогика соҳасида экологик таълимнинг ривожланиши ва тараққиётига ўз хиссасини қўшган педагог олим Э.О.Турдиқулов табиий фанлар асосида ўқувчиларга экологик таълим-тарбияни ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлаш юзасидан қатор тадқиқот ишларини олиб борган. Унинг асарларида “Экология”, “Экологик таълим ва тарбия” тушунчаларига кенг мазмунда шарҳлар бериб ўтилган. Э.О.Турдиқулов ёш таълим олувчилар онгида табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини шакллантириш ва инсонлар табиий захираларсиз яшай олмаслигини сингдиришга оид фикрларини илмий нуқтаи назардан асослаб бераган.

Америкалик олим Ж.У.Огбу болаларни оилада, микро шароитларда тарбиялаш жараёнида маданиятлараро ёки гуруҳлараро таққослаш асосида маданий-экологик компетентликни ривожлантириш ғоясини ишлаб чиққан, Eindhoven технология университети тадқиқотчи Н.Росзен эса, экологик компетентликни ривожлантиришда ахлоқий мотивларнинг яхлит тизимини яратган. У экологик компетентлик тушунчасини “Экологик хулқни тарғиб қилишда табиат ва атроф-муҳитга оид билимларга, экологик хулқ-атвор қобилиятларига эга бўлишликдир”, деб таърифлашга ҳаракат қилган.

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришни тиббий билимлар уйғунлигида ўрганган латвиялик Рига Страдинс университети олимлари Рута Ренигере ва Ева Кела талабалар ўз касбий фаолиятини атроф-муҳитни асрашга қаратиши ва жонли табиатни ҳис қилишга оид фикрларни тушунтириши, табиатга хайрихоҳлик ва ҳурмат қилиш қобилиятини эгаллашлари зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек, талабаларни атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотларга қизиқтириш асосида одамларга атроф-муҳитни асраш ва унга таъсир қилишини тушунтириш қобилиятини ривожлантириш ғоясини илмий асослаб беради.

Россиялик олимлар О.Перфилова, Ю.Ализаденинг илмий изланишларида бўлажак мутахассисларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш учун етарли табиий, ижтимоий фаолиятларга тайёрлаш ғоясини ишлаб чиққан. В.А.Лейнинг таълим талабларига мувофиқ талабаларда экологик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришда шахснинг индивидуал

хусусиятларида экологик вазиятларни, хатарларни минималлаштиришга оид экологик онг ва дунёқарашларининг намоён бўлиши масалаларининг устуворлиги тўғрисида билдирган фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Г.А.Папуткова университет талабаларида экологик компетентликни ривожлантиришни табиат ва жамиятнинг барқарор ривожланиш эволюцияси асосида ташкил этиш усуллари ишлаб чиққан. Унинг фикрича, экологик компетентлик – бу мутахассиснинг касбий фаолиятида ижтимоий экологик ва профессионал жиҳатдан тайёр бўлган, соғлом хулқ-атвори таъминлайдиган, тезкор ва самарали амалга оширишни ақс эттирадиган қобилият. О.Е.Перфилова эса, талабаларда ЭКР ижтимоий-маданий нуқтаи назаридан асослаган. У экологик компетентликни – бу шахсий ҳодиса, унинг моҳияти инсоннинг қарор қабул қилишга тайёрлиги, атрофдаги ҳақиқатни субъектив равишда идрок этиш, ижтимоийликни англаш, касбий фаолияти учун табиий ва ижтимоий-маданий компонентлар жавобгардир, деб таъкидлайди.

Тадқиқотлар давомида турли соҳа олимларининг талабаларда ЭКР муаммосига ёндашувларини ўрганиш натижасида Ўзбекистон ОТМда БПЭКР масаласи махсус ўрганилиши, ёшлар тарбияси учун масъул педагогларга эга бўлган жамият глобал ва минтақавий экологик хавфсизликни таъминлай оладиган фуқароларни тарбиялаши бўйича педагогик илмий тадқиқот ишларига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқотлар жараёнида экологик компетентлик (ЭК) атамаси ва унинг педагогик мазмуни, таркибий қисмлари, уни талабаларда ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар илмий-назарий асосланди. Таҳлиллар натижасига кўра, бўлажак педагогнинг экологик компетентлиги – бу бўлажак ўқитувчининг ўзлаштирган экопедагогик билимлари, кўникмалари, малакалари, эътиқоди, мотивлари, қадриятли мўлжаллари, экологик таълим-тарбиявий аҳамиятга эга шахсий сифатлари ва экопедагогик фаолиятнинг амалий тажрибасига мос ҳолда “одам – жамият – табиат – маърифат” тизимида хатти-ҳаракат қилиш қобилиятини белгиловчи интегратив фазилатидир, деган таъриф беришимиз мумкин.

Илмий-назарий адабиётларни ҳамда талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш бўйича амалиётдаги ҳолатини ўрганиш бу муаммонинг ечимини топишда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратишни талаб этди: бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантириш муаммосининг долзарблиги ва педагогик имкониятларни кенгайтириш; олий педагогик таълим муассасаларида талабаларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш; бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш ва ривожланганлик кўрсаткичларини аниқлаш; экологик таълимга оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар, услубий кўрсатмаларнинг янги авлодини яратишда дунёдаги етакчи университетлар томонидан тўпланган тажрибалардан ижодий фойдаланиш.

Ушбу масалалар тажриба-синов ишлари жараёнида илмий-амалий асосланди.

Диссертациянинг “Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал асослари” деб номланган иккинчи бобида мамлакатимиз табиати, унинг инсоният ҳаётидаги ўрни, ижтимоий муносабатларни ташкил этишдаги аҳамияти, инсоннинг экологияга, атроф-муҳитга муносабати, муҳим географик объектлар, уларнинг хусусиятлари, экотизим унсурларининг ўзаро узвий боғлиқлиги, табиат ҳодисалари, сув, ер ресурсларининг аҳволи ва муаммонинг тарихий-тадрижий ривож, келажак авлодларга уларнинг табиий ҳолатини бузмасдан етказиш ҳақидаги ижтимоий-иқтисодий экологик муаммолар ечимига оид экологик таълимни такомиллаштиришга концептуал ёндашувлар илмий жиҳатдан таҳлил этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан “Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Стратегия”сини белгиловчи ҳужжат қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида мазкур стратегиянинг барқарор ривожланиши учун таълим бўйича БМТи Декадасини (2005-2014) амалга оширилиши юзасидан амалий фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси тасдиқланган. БМТ Европа иқтисодиёт комиссиясининг стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз талаба-ёшларининг экологик таълими ва экологик тарбияси бўйича халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатимиз талабаларига мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув кўлланма, фанларнинг дастурлари нашр этилган. Ҳар йили Республика бўйича Олий ўқув юртлирида экологиянинг турли ихтисосликлари бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрланади.

Бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштирган “Ўзбекистон экологик ҳаракати” муҳим роль ўйнамоқда “Ўзбекистон экологик ҳаракати” 256 та нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. “Ўзбекистон экологик ҳаракати”нинг асосий мақсади атроф-муҳит ҳимояси давлат ва жамият, ҳар бир фуқаронинг ишига айланишига ёрдам кўрсатишдан, ёшларда экологик компетентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, тарбиявий ишларни олиб боришда, дарсдан ташқари экологик йўналишдаги ишларни ташкиллаштиришда замонавий компьютер технологиялари, электрон ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш ўқув материалларининг мазмунини бойитади, муҳим методик кўлланма вазифасини бажаради. Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тарбиявий ишларни мунтазам фаоллаштиришда нодавлат ва



нотижорат жамоат ташкилотларининг экологияга оид тўплаган материаллари, тажрибаси, холисона илмий амалий хулосаларидан самарали фойдаланиш, талабаларга илмий асосланган материал сифатида ўрганишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув методик мажмуаларни такомиллаштириш инновацион материаллар мунтазам тўлдириб бориш вазифасини илгари суради. Ўқув мажмуаларининг юқори савиясини таъминлашда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар талаблари билан бойитилиши муҳим факторлар тизимига киради. Бўлажак педагоглар тайёрлашда зарур бўлган экологик таълим-тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлган ижодий лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

**1-жадвал**

### **Экологик таълимга тизимли ёндашувлар тавсифи**

<b>№</b>	<b>Анъанавий ёндашув</b>	<b>Компетентли ёндашув</b>	<b>Таълим жараёнидаги элементлар</b>
1	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш	Экологик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган	Мақсадлар
2	Давлат таълим стандартини амалга ошириш	Таълим йўналиши дастурларини ўзлаштиришга	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)
3	Аудиторияда ўқув соатлар хажми 60 %, аудиториядан ташқари ўқув соатлар хажми 40 %ни ташкил этиши	Индивидуал равишда ишлаш, жуфтликда, кичик гуруҳларда ва катта гуруҳларда ишлашга	Таълимни ташкил этиш шакллари
4	Таълимнинг синф-дарс шакли юзасидаги анъанавий методлар	Экологик компетентли ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар	Педагогик жараёни ташкил этувчи ва амалга оширувчи методлари
5	“Насиҳатгўй”, “ахборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Ҳамкор”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи” ва ҳ.к.	Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари жараёнидаги ўрни
6	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратувчи”	Талабаларнинг таълим-тарбия жараёнларидаги ўрни
7	Таълим муассасаси фаолиятини юритишга йўналтирилган	Таълим муассасасини ривожлантиришга йўналтирилган	Таълим муассасасини бошқариш тузилмаси
8	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини текширишга йўналтирилган	Талабаларнинг экологик компетентлигини ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш

Бўлажак педагог кадрларнинг экологик компетенцияларни изчил ривожлантириб боришини таъминлаш ва бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришга тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди ҳамда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Тизимли ёндашув асосида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришда педагогик фаолият ва назорат муҳитининг ўзаро таъсирлашуви механизмлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг асосий мақсади давлат буюртмаси ва жамият талабларига мувофиқ олий педагогик таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш; Давлат таълим стандартларида битирувчининг педагогик фаолиятида ўқитувчилик, тарбиячилик, ўқув-методик, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот вазифаларини амалга ошириши назарда тутилган.


Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, дастурлар, таълим шакли, метод, воситалари ва дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар, лаборатория жиҳозлари, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади.

Талабалар келгусида педагогик фаолиятни амалга ошириш, назарий билимлар ва психомоторик ҳаракатлар асосида амалий кўникмаларни реал шароитда қўллаш мақсадида малакавий педагогик амалиёт ташкил этилади. Бунда талабалар таълим жараёнида эгалланган экологияга оид компетенцияларни намоён этиш; педагогик фаолияти жараёнида – экологик компетентликка эга, малакали кадрларнинг тайёрланганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш учун фаолият мониторинги амалга оширилди.

Ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, миллий қадриятлари бўлажак педагогларда энг олий инсоний сифатларни, жумладан, экологик компетентлигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонлик мутафаккирлар, педагог олимларнинг жаҳон илм-фани ривожини таъминлаган экологик илмий хулосалари ўзининг педагогик (таълимий-тарбиявий) экологик моҳиятига кўра миллий қадриятлар орасида алоҳида ўрин тутди. Улар томонидан илгари сурилган ҳамда асрлар давомида табиатни эъзозлаш муносабатини, ҳозирги даврда ҳам талабалар онгида атроф-муҳитга ижобий муносабатни тарбиялаш, табиат муҳофазаси учун масъулият ҳисини ривожлантиришга ёрдам берувчи экологияга оид илмий педагогик қарашлардан фойдаланиш, бугунги кунда ҳам экологик таълим-тарбиянинг самарали бўлиши учун ва бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантириш учун муҳим ғоявий асос саналади.

Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари асосида машғулотлар олиб борилди. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш бўйича билим, кўникма ва малакалар мезони аниқланди, мазмуни такомиллаштирилди. Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришга оид фалсафий,

педагогик, психологик, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий асослари; мазмунига умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ёндашув; педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялари (АКТ) воситасида таълим мазмунини такомиллаштириш асосида талаба-ёшлар экологик компетентлигини ривожлантирувчи компонентлар белгиланди (1-расм).



**1-расм. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантирувчи компонентлар.**

Ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Умар Хайём, Маҳмуд аз-

Замахшарий, Маҳмуд Чағминий ҳамда Амир Темурларнинг экологияга мансуб фикрлари, ғоялари ўз моҳиятига кўра атроф-муҳитнинг улар яшаб ўтган даврлардаги ҳолати асрлар давомида авлодлар учун муҳим йўриқнома сифатида хизмат қилмоқда.

Мутафаккирларнинг экологик фикрлар мажмуасидан фойдаланиб педагогиканинг туркум фанлари мазмунини: “Оила педагогикаси” фани ўқув дастури асосида оила, оилада бола тарбияси масалаларининг ҳал этилиши; “Ижтимоий педагогика” фани ўқув дастури асосида “Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожланиш тарихи”; “Педагогик аксиология” фанининг ўқув дастуридаги “Қадрият ғояси ва унинг миллий фалсафадаги ривож”; барча йўналишларда ўқитиладиган “Умумий педагогикаси” фани ўқув дастуридаги “Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни”, “Маънавий-ахлоқий тарбия” каби мавзулар моҳиятини ёритишда неэкологик таълим соҳалари талабаларига экологик таълим беришда экологик илмий қарашлар, тарихий мерос, миллий анъаналар, экологик қонунларга оид экологик таълим технологиялари мазмунини оптималлаштириш асосида педагогик имкониятлари аниқланди.

Шунингдек, қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этди: бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришда маънавий қадриятларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш; бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ижодий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; олий педагогик таълимда ўқитиляётган, бўлажак бакалаврларга мўлжалланган педагогикага оид фанларни экологияга оид манбалар ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг экологияга оид таълимотлари билан ўқув дастурлари, ўқитиляётган дарсликлар, ўқув қўлланмаларни мунтазам суръатда такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни; таълим ва тарбия жараёнларида талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш; талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаларининг фуқаролик жамияти институтлари билан педагогик ҳамкорлигини кучайтириш механизмининг такомиллаштириш.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобда педагогларда экологик компетентликни ривожлантириш механизмлари технологик ёндашув асосида такомиллаштирилган ва у тажриба-синов воситасида апробациядан ўтказилган.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг экологик компетентлик бўйича билим, кўникма ва малакаларини (БКМ) ривожлантириш жараёнлари маъруза, семинар каби машғулотлар орқали бериб борилди. “Ижтимоий педагогика”, “Оила педагогикаси”, “Педагогик аксиология” ва “Умумий педагогикаси” фанлар мазмунига нисбатан анъанавий, институционал, шахслараро, рефлексив-баҳоловчи механизмларининг ва экологик таълимни такомиллаштиришнинг аксиологик, когнитив, эмоционал, мотивацияли концептуал ёндашувлари интеграциялаштирилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида қўлланилган ахборотли


таълим, муаммоли таълим, лабиринт, мулоқот, баҳслашув, муносабат, волонтер, ташвиқот гуруҳи технологиялари ҳамда ролли ўйинлар, муаммоли вазият, лойиҳа тайёрлаш тест назорати, интервью, педагогик рағбатлантириш, хулқ-атвор ва фаолиятни ташкил этиш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш каби интерфаол усуллар самарадорлиги аниқланди.

Давр таълим талабларига мос бўлган бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантирувчи моделни такомиллаштириш ва уни амалиётга жорий этиш билан ифодаланади (2-расм).

Тадқиқотлар давомида бўлажак педагогиклар учун экологик компетентликни ривожлантиришга оид махсус дастур яратилди ва ўқув амалиётига жорий этилди. Педагогика соҳасидаги фанлар тизимида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари очиқ берилди. Таълимдаги ислохотлар натижасида ўқув услубий мажмуалар такомиллашувига ижобий таъсири илмий асосда таҳлил қилинди. Атроф-муҳитни барқарорлаштиришга доир замонавий фан ютуқларининг қўлланилиши талабаларда келажакда ўз фаолияти давомида барқарор экологик ривожланиш масалаларини англашига ёрдам кўрсатади. “Педагогика ва психология”, “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”, “Бошланғич таълим”, “Тарих”, “Биология ўқитиш методикаси”, “Физика ва астрономия”, “География ва иқтисодий билим асослари” каби таълим йўналишларида тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Олий педагогик таълим ўқув юртлирида тарбиявий ишларнинг мазмунига экологик тарбияга доир мавзуларнинг киритилиши бўлажак педагогларга ўқув муассасадаги назарий билимлар олиш жараёнини келажакдаги асосий мутахассислиги, ишлаб чиқаришдаги меҳнат, тарбиявий, жамоатчилик фаолияти билан узвий боғлашга амалий ёрдам беради. Олий педагогик таълим муассасаларидаги таълим жараёнига экологик билимнинг киритилиши ва унинг мунтазам суръатда такомиллаштирилиши талабаларнинг тафаккурида умуминсоний қадриятлар, она замин флора ва фаунасига нисбатан ҳурмат, эътибор, уни авайлаб асраш, келгуси авлодларга етказиш каби яратувчилик хислатларни ривожлантиради.

Педагогика олий таълим муассасаларида БПЭҚРни таъминлаш жараёнининг муваффақияти мазкур жараёни технологик ёндашув асосида лойиҳалаштириш ҳамда натижани олдиндан белгилашга боғлиқ. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда экологик компетентликнинг таркибий қисмлари ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза (ЭАММ) қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамкорлигидаги фаолиятлари дарс ва дарсдан ташқари таълим шакллари асосида такомиллаштирилди. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришни таъминлаш ОТМда экологик таълимни такомиллаштириш концепцияси, экологик компетентликнинг таркибий қисмлари, механизмлари, талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришга оид билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари, индикаторлари белгиланди.



**2-расм. ОТМда бўлажак педагогларнинг экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш модели.**

БПЭКРнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги механизмини амалиёт фаолиятига татбиқ этиш ўзининг ижобий самарасини берди.

Ҳамкорлик тизими асосида ўтказилган тарбиявий тадбирлар талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришга ҳисса қўшиши аниқланди. Тажриба-синов ишлари натижаларида ҳамкорлик мазмунининг таъминланиши: бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришга оид ахборотлар таъсирини кенг ёритиш; талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш ва такомиллаштириш; талаблар экологик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда мунтазам иштирокини назоратга олиш, улар билан иш олиб боришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш; бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришга оид билимларини оширишга кўмаклашувчи янги адабиётлар авлодини яратиш ва қуроллантириш, услубий қўлланмалар, рисоалар чоп этиш масалаларида аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг натижалари диссертациянинг **“Олий педагогик таълим муассасалари талабаларида экологик компетентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида ўз аксини топди.

Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш жараёнида педагогик эксперимент ташкил этиш, уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Тажриба-синов ишларининг мазмуни, мақсади олий таълимдаги ўқув жараёни орқали бўлажак педагоглар томонидан мавжуд экологик муаммолар моҳиятини тушуниб олишни ва унинг ечимини топишда фаоллик кўрсатишларини кенгайтиришдан иборатдир. Диссертация ишининг ушбу қисмидаги вазифаларни бажариш мобайнида талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, муаммо ечимига йўналтирилган тажриба-синов ишларини амалиётга татбиқ этиш механизмлари, тажриба-синов ишлар натижалари, статистик таҳлил ва унинг самарадорлик даражаси ёритиб ўтилди.

Тадқиқот давомида бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожланганлик даражасини тўрт босқичда аниқлаш орқали билиб олишга ва илмий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинди. Тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари методикасини ишлаб чиқишда унинг самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилди. Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришни таъминлашнинг самарадорлик даражасини баҳолаш бўйича 10 та кўрсаткич асосида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришлар даражаси мотивацион, когнитив, инновацион, ҳиссий-иродавий, амалий-фаолиятли, баҳолаш-рефлексия мезонлари орқали таҳлил этилди. Талабалар экологик компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари шакллантирилди (2-жадвал).

Тадқиқотимиз тажриба-синов ишлари Қўқон давлат педагогика институти (ҚДПИ), Навоий давлат педагогика институти (НДПИ) ва Жиззах давлат педагогика институтлари (ЖДПИ)да ўтказилди. Ушбу жараёнда иштирок этган талабалар тажриба-синов гуруҳи (ТСГ) ва назорат гуруҳларига (НГ) ажратилди ва уларда экологик компетентликнинг ривожланганлик даражаси уч гуруҳга бўлинди. Улар:

**Талабалар экологик компетентлигини  
ривожланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари**

т/р	Мезонлар	Тажриба гуруҳи n <sub>1</sub> = 581/624			Назорат гуруҳи n <sub>2</sub> = 614/601		
		юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1.	Экологик компетентлик тушунчаси моҳиятини англаб етиш	3/10	6/11	55/45	4/5	5/5	57/55
2.	Табиат муҳофазаси учун масъулият ҳисини ривожлантиришга ёрдам берувчи экологияга оид қонунларни билиш даражаси	3/7	5/10	49/42	2/3	2/5	52/50
3.	Ўрта Осиё мутафаккирлари таълимотларида илгари сурилган атроф-муҳитни асрашга оид билимларга эгаллик, умуминсоний қадриятларни билиш ва унга амал қилиш	2/7	5/12	49/40	3/3	5/7	54/53
4.	Педагогикага оид фанлар мазмунидаги экологияга оид билимларни ўзлаштириш, мавзуга доир адабиётларни ўқишга қизиқиш ва ўз ҳаётига татбиқ этиш даражаси	3/7	6/9	47/46	3/3	7/6	56/55
5.	Яшайдиган жойдаги мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ҳаракатлари даражаси	3/7	5/12	51/43	3/3	5/5	50/50
6.	ЭҚР асосида касбга тайёрланишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги	3/7	6/11	50/43	3/3	4/4	54/55
7.	Табиатнинг софлигини сақлаш, унинг унсурларини бойитиш, қўриқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини мунтазам такомиллаштириш кўникмаларига эга бўлиш	3/7	7/12	45/42	4/5	4/7	52/50
8.	Ёш авлодни тарбиялашда экологик таълимни ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг мазмун ва моҳиятини билишга интилиш, қизиқиш	3/8	5/11	53/45	2/2	5/6	56/55
9.	Ижтимоий-сиёсий жамиятдаги Экологияга оид ахборотларни тезкор қабул қилиб олиш, мушоҳада қилишни билиш ва илмий-услубий, оммабоп материаллар, интернет манбаларига қизиқувчанлик	3/7	6/12	46/43	4/4	6/6	51/49
10.	Талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда ижтимоий муҳит, фуқаролик жамияти институтларининг тарғибот-ташвиқот ишларига қизиқувчанлик, уларга онгли равишда иштирок этиш	3/9	6/14	50/45	2/2	5/5	54/40
<b>Жами:</b>		29/ 76	57/ 114	495/ 434	30/ 33	48/ 56	536/ 512
<b>Ўртача (фоизларда):</b>		5%/ 12%	10%/ 18%	85%/ 70%	5%/ 5%	8%/ 9%	87%/ 86%



1. Юқори. 2. Ўртача. 3. Паст.

Тадқиқот тажриба-синов ишилари натижаларига асосланган ҳолда олий педагогик таълим муассасалари талабаларида экологик компетентликнинг ривожланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларида иштирок этган тажриба ҳамда назорат гуруҳи талабаларнинг ўртача ўзлаштиришлари ва умумий натижалари Стъюдентнинг математик-статистика методи асосида таҳлил этилди. Тажриба-синовда ўртача ҳисобда 1210 нафар талабалар қатнашди. Шулардан (тажриба-синов ишларидан олдин) 596 нафар талаба тажриба-синов гуруҳида ва 614 нафар талаба назорат гуруҳида қатнашдилар.

Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишилари масаланинг моҳиятини қуйидагилар ташкил этади:

Иккита бош тўплам берилган бўлсин. Биринчиси, тажриба якунидаги тажриба гуруҳи респондент-талабалар фаолиятининг ўртача баллари, иккинчиси, назорат гуруҳи респондент-талабалар фаолиятининг ўртача балларидир. Баҳолар нормал тақсимотга эга бўлган деб ҳисобланади. Бунда ушбу фараз ўринли бўлиб, нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда ва улар бажарилади.

Жадвал кўрсаткичлари якуний тажриба-синов даврида тажриба гуруҳларида қўлга киритилган кўрсаткичлар назорат гуруҳлари респондент-талабаларининг натижаларига нисбатан ижобий мазмун касб этганлигини англатмоқда. Тажриба гуруҳи иштирокчи талабаларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда респондент-талабалар сони бўйича монанд равишда юқоридаги каби белгилашлар киритган тарзда тажриба гуруҳи иштирокчи талабаларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги назорат гуруҳидан катта эканлиги тасдиқланди.


Жадвалда тажриба ва назорат гуруҳи иштирокчи талабаларининг ўзлаштиришлари самарадорлигини қайд этувчи, яъни кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ҳамда унга зид бўлган  $H_0$  гипотезани танлаб оламиз ҳамда қуйида таъкидланган жадвалда акс эттирамиз (3-жадвал):

**3-жадвал.**


**Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари**

Муддати	Босқичлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	596	129	257	210
	Назорат гуруҳи	614	138	258	218
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	596	238	256	101
	Назорат гуруҳи	614	143	259	212

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



Тажриба бошида



Тажриба якунида

### 3-расм. Талабалар экологик компетентлигининг ривожланганлик даражалари диаграммаси

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
1,87	1,88	Тажриба бошида ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
2,23	1,88	0,5171	0,5656	1	2	8,75	209,2	0,06	0,06

Натижада, тажриба якунида тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагига нисбатан 11,6% га ошган.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X}=2,23$ ;  $\bar{Y}=1,88$   $\Delta_x = 0,06$ ;  $\Delta_y = 0,06$ ; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,23 - 0,06}{1,88 + 0,06} = \frac{2,17}{1,94} = 1,12 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,23 - 0,06) - (1,88 - 0,06) = 2,17 - 1,82 = 0,35 > 0;$$

Олинган натижалардан экопедагогик ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катта эканлиги ҳамда билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катта эканлигини кўриш мумкин. Маълум бўлдики, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Стьудентнинг танланмали мезони асосида иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларга ўхшашлигини инобатга олиб нолинчи  $H_0 : \mu = \mu_y$  гипотеза текширилганда бош ўртача қийматлар тенглиги тўғрисидаги  $H_0$  нолинчи гипотеза рад этилади. Ишонч билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари доимо назорат гуруҳларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлган ва улар ҳеч вақт устма-уст тушмайди.

Математик-статистик таҳлилнинг натижалари тажриба-синов ишларининг бошида ва охирида мақсадли ташкил этилган дарслар самарадорлиги юқорилигини тасдиқлади. Демак, олий таълим муассасаларида талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлашга оид ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлил асосида маълум бўлди.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Глобаллашув жараёнида жамиятни модернизациялашнинг асосий шартларидан бири олий педагогик таълим муассасалари орқали талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришдан иборат. Шу боис, олий таълим сифатини оширишда таълим мазмунини экопедагогикага оид тушунчалар асосида такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

2. Бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантириш фалсафий, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ёндашувларга, олий таълимнинг самарали, инновацион усуллари ва ахлоқий, маънавий тарбиявий шакллари, педагогик шарт-шароитлар ҳамда таъсир этувчи омилларга боғлиқлиги аниқланган.

3. Таълим-тарбия жараёнида маънавий қадриятларнинг тарихий-тадрижий ривожини бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан таснифлаш, илмий-педагогик жиҳатдан асослаш орқали улардан фойдаланиш мақсадга йўналтирилганликни таъминлади. Халқ педагогикаси ва Шарқ мутафаккирларининг маънавий мероси талаба-ёшларнинг экологик компетентлигини ривожлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган.

4. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогика ва унинг туркум фанлари, мустақил таълим машғулоти, дарсдан ташқари тадбирлар орқали талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришда педагогик жараёни моделлаштиришни такомиллаштириш, алгоритмлаш, ахборот-коммуникатив

ҳамда таълим технологиялари, интерфаол методлардан самарали фойдаланиш бўйича назарий билим, кўникма ва малакаларни тарбиялашдаги имкониятлардан фойдаланилган.

5. Бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологияларини лойиҳалаштириш, амалиётга татбиқ этиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш орқали олий таълим муассасаларида экологик таълимни ташкил этишни такомиллаштириштирилди, талабаларда экологик тафаккурни, билим, кўникма, малака ва компетенциялари ривожлантирилган.

6. Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон экологик ҳаракати жамоат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, таълим-тарбиянинг инновацион усуллари ҳамда халқаро тажрибаларга таяниб келажак авлод таълим-тарбиясида экологик саводхонликни амалга ошириш бўлажак ўқитувчининг экологик компетентлигига боғлиқлиги асосланди. Талабаларни экологик компетентлигини ривожлантириш жараёнига тайёрлашда замонавий таълимга қўйиладиган талаблар ва уларнинг экологик компетентлигини аниқлаш мезонлари такомиллаштирилган.

7. Бакалаврлар ўқув режасига киритилган фанларни ўрганиш тизимида таълим-тарбия бериш усулларида экологик интеграциялашуви мазмуни тадқиқ этилгани, педагогикага оид фанларнинг дастурлари, ўқув-услубий мажмуаларнинг такомиллаштирилгани, мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши олий таълим муассасалари ўқув-услубий таъминотининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Олий ўқув юртлари ҳузурида экологик таълим марказларида “Талаба ижодида экология” номли газета нашриётини ташкил этиш орқали талабалар ўзлари яшаётган ҳудудлари экологияни ёритган мақолаларни чоп этишни йўлга қўйиш.

2. Талабаларга педагогикага оид фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялари асосида экологик билимлар берилишининг меъёрий-методик таъминотини такомиллаштиришга эришиш.

3. Олий таълимнинг экологиялаштирилишини ҳисобга олиб, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, яъни “Педагогик экология” фанини ўқитишни ташкил этиш орқали бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришга эришиш.

4. Битирувчи талабанинг муайян ҳудудларда вужудга келган экологик аҳволнинг таҳлили ва ижодий ёндашуви асосида маърузалар, семинарлар ўтказиши ҳамда унинг мустақил фикрини қўллаб-қувватлаш, муҳокама қилишни тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

**МУРТОЗАЕВА МАХФУЗА МУРТОЗАЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ  
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ  
ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
УЧРЕЖДЕНИЯХ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.DSc/Ped168.**

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) Научного совета и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Джураев Рисбой Хайдарович</b> доктор педагогических наук, академик
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Хакимова Мухаббат Файзиевна</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Ярматов Рахимбой Бахрамович</b> доктор педагогических наук (DSc), доцент <b>Турабоев Акмал Нормуминович</b> доктор биологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Наманганский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32. факс: (99871) 276-76-51.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**З.Н.Мамаражабова**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
к.п.н., доцент

**С.С.Булатов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Происходящие в мире экологические кризисы, социально-природные проблемы требуют охраны природы, устойчивости окружающей среды и вывода её из нормального состояния, повышения экологической культуры при воспитании молодёжи, в образовательную практику были применены механизмы совершенствования компетентностной системы экологического образования в подготовке будущих педагогов. В Соединённых Штатах Америки, России, Великобритании, Японии, Италии проводятся системные работы, направленные на реализацию крупных проектов по снижению антропогенного влияния человека на окружающую среду, развитию экологической компетентности специалистов, месту человека в охране окружающей среды, формированию экологической подготовки и мышления специалистов, повышению интеллектуального потенциала.

В образовательных и научных учреждениях мира проводятся научные исследования по расширению у студенческой молодёжи понятия об охране окружающей среды, эффективно используя возможности образования, обеспечению гармонии отношений между природой и человеком, созданию в современных условиях электронно-методических средств экологического образования, расширению использования инноваций. При развитии экологических знаний, сознания и культуры молодёжи обращается особое внимание на научные исследования по совершенствованию системы экологического образования среди организаций в сфере экологии, а также охраны окружающей среды, сфере её контроля.

В последние годы в нашей стране создаются нормативные основы повышения уровня качества высшего образования, совершенствования экологической компетентности будущих педагогических кадров, ответственного подхода к природе, охраны и рационального использования природных богатств, обогащения флоры и фауны. В качестве приоритетной определена задача воспитания “физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами”<sup>8</sup>. Эффективное использование при реализации этой задачи существующих педагогических образовательных возможностей расширяет возможности развития экологической компетентности будущих педагогов.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 8 октября 2019 года № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», от 28 января 2022 года №УП-60 “О Стратегии

---

<sup>8</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2014 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 5 июня 2018 года № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 мая 2019 года № 434 «Об утверждении Концепции по развитию экологического образования в Республике Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>9</sup>.** Исследования по актуальным вопросам экологии, решению социально-экологических проблем и роли в этом специалистов-педагогов проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности, University of Stenford (США), University of Oxford (Великобритания), University of Florence (Италия), Университет Тохоку (Япония), Московском государственном педагогическом университете, Российском государственном педагогическом университете имени А.И.Герцена, Московском государственном университете имени М.В.Ломоносова (Российская Федерация).

На основе проведённых в мире исследований по развитию экологического образования будущих педагогов получен ряд результатов: University of Stenford (США) - создана программа киберобразования организации разъяснения резкого изменения климата и понятий о природе на основе видеофильмов об охране окружающей среды; University of Oxford (Великобритания) - выявлены условия целевого изменяющегося образования, решающего взаимосвязанные проблемы экологической стабильности и социальной справедливости; University of Florence (Италия) - разработана методика стимулирования концептуальных изменений у студентов на основе экологического образования при стабильном развитии социального общества; Университет Тохоку (Япония) - создана программа сети онлайн экологического образования в преподавании понятий об отрицательном влиянии деятельности человека на окружающую среду и охране окружающей среды в образовании бакалавров; Московский государственный педагогический университет (Россия) – организован центр

---

<sup>9</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен, опираясь на соответствующие источники из ниже перечисленных порталов - <https://www.azocleantech.com/article>, <https://ru.wikipedia.org/wiki/oxford>, <https://ru.wikipedia.org>, <http://us.wow.com/search.santforduniversity>, <https://www.learnlib.org/>, <https://www.britishecologicalsociety.org/> <https://www.schumachercollege.org.>, <https://www.doi.org/10.4005/jjfs.96.26>, <https://www.msu.ru>



пропаганды рационального использования природных ресурсов, социализации и экологического воспитания, развития человека; Российский государственный педагогический университет имени А.И.Герцена – получены научные результаты по развитию в воспитании молодёжи охраны окружающей среды, сохранения и эффективного использования природных ресурсов; Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова (Российская Федерация) – налажено проведение семинаров по проблемам человеческой экологии, взаимосвязи экологии с биологией и природными ресурсами, связи экологии с антропологической деятельностью человека.

В мире высшими образовательными учреждениями проводятся научно-исследовательские работы по целому ряду следующих приоритетных направлений развития экологической компетентности будущих педагогов: технологии развития способности будущих педагогов понимания природы в предотвращении экологических угроз; совершенствование учебно-нормативного обеспечения в образовании по политике устранения экологических проблем, а также экологического образования и воспитания; теория и практика развития экологических знаний студентов, обучающихся в сфере педагогики; совершенствование у будущих педагогов социально-культурной модели отношений между природой и обществом; совершенствование механизмов реализации экопедагогического мышления и действий у студентов образовательных учреждений.

**Степень изученности проблемы.** В Узбекистане научно-исследовательские работы по педагогическим аспектам организации охраны окружающей среды, природы, основ экологического образования педагогов в высших образовательных учреждениях, причинам, путям устранения экологической опасности в условиях глобализации, повышению чувства ответственности молодёжи за охрану природы, окружающей среды проведены такими учёными, как К.Абдурахимов, И.Х.Аюбова, П.Берданова, Н.Бозорова, Р.Х.Джураев, Н.Исакулова, Ш.Камолхужаев, А.Маликова, М.Э.Мусаева, В.Никитин, Н.У.Нишонова, Х.Норбутаев, Т.Сапаров, В.Н.Сатторов, Х.Тогаев, Э.О.Турдикулов, У.Турдикулов, Д.Тухлиев, А.С.Тухтаев, А.Эргашев, Ш.Юнусова<sup>10</sup>.

---

<sup>10</sup> Абдурахимов Қ. Экологик билимлар амалиётида. //Халқ таълими ж., 2001. 2-сон. 99-103 б.; Аюбова И.Х. “Техника олий таълим муассасалари талабаларида экологик хавфсизлик маданиятини шакллантириш тизимлари”, 13.00.01–педагогика фанлари доктори (PhD) 2019 й. 22 б.; Берданова П.Ў. Қорақалпоқ оилаларида болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (ўсмирлар мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. – Т.: 2005. – 130 б.; Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий педагогик асослари (олий ўқув юртли мисолида) 13.00.01 п.ф.н. автореф. 2006 й. 22 б.; Джураев Р.Х., Турдикулов Э.О. Умумий ўрта таълим мактабларида узлуксиз экологик таълим мазмуни ва уларнинг асосий йўналишлари //ж. Узлуксиз таълим, 2005. 1-сон. – 61–85 б.; Джураев Р.Х., Regulation of ecological stability in the conditions of a civil society. // The Advanced Science j. Америка 2014. №8. P. 111-114.; Исакулова Н. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанларро экологик тарбия беришнинг назарияси ва амалиёти (мактаб ва коллеж таълими йўналиши мисолида): Пед.фан.док ... дисс. автореф. – Т.: 2012. 42 б.; Камолхўжаев Ш.М. Табиатшунослик асослари. – Т.: Молия, 2002. – 332 б.; Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: 13.00.01. Пед.фан.номз ... дисс. автореф. – Т.: 2010 й. 20 б.; Мусаева М.Э. Ўқувчиларда табиат неъматларига муҳаббатни шакллантириш (6-9-синф табиий фанларни ўқитиш мисолида): Пед.фан.номз ... дисс. автореф. – Т.: 2011. 26 б.; Никитин В. Основные проблемы экологии в Узбекистане и приоритеты экологической политики. //Экологический вестник ж., 2005 г. №2.;

М.Аллаяровым, М.М.Аликуловой, С.М.Мамашокировым<sup>11</sup> исследованы теоретические и практические проблем развития экологической грамотности, социальной активности студентов, изучения сокровищ духовного наследия.

Учёными стран Содружества Независимых Государств Т.В.Анисимовой, А.Гореловым, О.Е.Калининой, Г.А.Папутковой, О.Е.Перфиловой, Р.Сейитжановой, С.Холназаровым, Н.В.Чебышевым<sup>12</sup> проводились научно-исследовательские работы по вопросам развития в процессе образования экологической культуры и социально-экологической компетентности студентов.

Особенности создания Онлайн образовательной программы и сети экологического образования для бакалавриата высших образовательных учреждений, проблемы стимулирования концептуальных изменений у студентов путём экологического образования при стабильном развитии социального общества исследованы в трудах таких учёных зарубежных стран, как E.Amu, R.Mizusava, F.A.Randriamahafaly, A.Schick<sup>13</sup>.

---

